

МЕЖДУНАРОДНЫЙ СОВРЕМЕННЫЙ НАУЧНО-ПРАКТИЧЕСКИЙ ЖУРНАЛ

# НАУЧНЫЙ ФОКУС



Последние  
изменения

Последние  
информация

Последние  
шаги

И НОВОЕ ИССЛЕДОВАНИЕ



*Международный современный научно-практический журнал*

# **Научный Фокус**

№ 7 (100)  
ноября 2023 г.

**Часть 2**

Издаётся с май 2023 года

Москва 2023

Дилшодхон Кодирова	
<b>EKSPEIMENTAL MASALALAR YECHISH BILIM, KO'NIKMA VA MALAKALARNI MUSTAHKAMLASH METODI SIFATIDA</b> Nishonov Mirkozimjon O'rinoval Ozodaxon O'ljaevna	<b>568</b>
<b>TALABA VA OQITUVCHI HAMKORLIGIDAGI TA'LIM JARAYONI SIFATINI OSHIRISH YOLLARI</b> Mirkozimjon Nishonov O'rinoval Ozodaxon O'ljaevna	<b>573</b>
<b>ROVOCH O'SIMLIGINING KIMYOVII TARKIBI VA TIBBIYOTDA QO'LLANILISHI</b> Xolmatova Marxabo	<b>578</b>
<b>AMINOKISLOTALAR</b> Baxromova E'zoza	<b>581</b>
<b>THE INTEGRATED APPROACH TO TEACHING ENGLISH LANGUAGE AND LITERATURE: A PEDAGOGICAL METHOD</b> Safarova E'zoza Furkat kizi	<b>587</b>
<b>THE IMPACT OF EDUCATIONAL GAMES ON ENHANCING ENGLISH LANGUAGE LEARNING ABILITIES</b> Yunusbekova Lyuiza Tungichbekovna	<b>591</b>
<b>EDUCATION IMPROVEMENTS IN UZBEKISTAN DURING THE YEARS OF INDEPENDENCE</b> Xolmurodova Diyora Xayrullayeva Mahliyo	<b>595</b>
<b>TA'LIM SIFATINI OSHIRISHDA AXBOROT TEXNOLOGIYALARIDAN FOYDALANISH</b> Ismoiljonova Mohigul Hikmatillo qizi Aldashev Ilhomjon To'xtaboyevich	<b>600</b>
<b>МЕТОДИКА ПРЕПОДАВАНИЯ РУССКОГО ЯЗЫКА КАК ИНОСТРАННОГО В ВУЗЕ</b> Сабиров Немат Казакбаевич Атакулова Юлдузхон	<b>604</b>
<b>ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИНИ ЗАМОНАВИЙ БОШҚАРУВДА ИНТЕЛЛЕКТУАЛ ҚОБИЛИЯТ ХУСУСИДА</b> Султанова Дилнурा Абдурашидовна	<b>608</b>
<b>ЁШЛАРДА МУОМАЛА ОДОБИНИ ШАКЛАНТИРИШ ИМКОНИЯТЛАРИ</b> Мусурмонов Раҳматилла	<b>612</b>

## ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИНИ ЗАМОНАВИЙ БОШҚАРУВДА ИНТЕЛЛЕКТУАЛ ҚОБИЛИЯТ ХУСУСИДА

Султанова Дилнурा Абдурашидовна

Чирчиқ давлат педагогика университети Педагогика факультети  
Мактаб менежменти кафедраси ўқитувчиси

**Аннотация:** Мақолада таълим муассасаларини инновацион бошқарув жараёнида интеллектуал таълимнинг аҳамияти тўғрисида фикр юритилиб, тавсиялар берилган.

**Таянч иборалар:** инновацион бошқарув, интеллектуал таълим, касбий малака ва қўникма, чидамлилик, яратувчанлик, ташаббускорлик, ижодкорлик, ташкилотчилик, инсоннинг ақлий қобилияти, ақлий ривожланиши қўрсаткичи, билим савияси, идрок қилиш, хотира.

**Abstract:** The article discusses the importance of intellectual education in the process of innovative management of educational institutions and gives appropriate recommendations.

**Keywords:** innovation management, intellectual education, professional competencies and skills, endurance, creativity, initiative, organization, mental abilities of a person, indicator of mental development, level of knowledge, perception, memory.

**Аннотация:** В статье рассматривается значение интеллектуального образования в процессе инновационного управления образовательными учреждениями и даются соответствующие рекомендации.

**Ключевые слова:** инновационный менеджмент, интеллектуальное образование, профессиональные компетенции и умения, выносливость, креативность, инициатива, организаторность, умственные способности человека, показатель умственного развития, уровень знаний, восприятие, память.

Интеллектуал бу – касбий қўникма ва малака, чидамлилик, яратувчанлик, ташаббускорлик, ижодкорлик, ташкилотчилик, ўз фикрини яхши чиройли, маъноли ва ёқимли баён эта олиши, нотиклик, ишонтира олиш, назорат, кузатувчанлик, талабчанлик, хотирада сақлаб қолиш, тарбиявий муносабатларда фаоллик ҳамда психологик таъсир кўрсатиш, бошқарувчилик ва лидерлик хусусиятларининг шаклланганлигидан далолатdir.

Интеллект (лат. intellects — билиш, тушуниш, идрок қилиш) — инсоннинг ақлий қобилияти: • ҳаётни, атроф муҳитни онгда айнан акс эттириш ва ўзгартириш, фикрлаш, ўқишурганиш, дунёни билиш ва ижтимоий тажрибани қабул қилиш қобилияти; • турли масалаларни ҳал қилиш, бир қарорга келиш, оқилона иш тутиш, воқеа ҳодисаларни олдиндан кўра билиш лаёқати. Интеллектуаллик коэффициенти. (инг.intellectual quotient, қисқартма номи IQ) -

шахснинг турли тест услублари асосида аниқланадиган ақлий ривожланиш кўрсаткичи, билим савияси. Интеллект таркибига: идрок қилиш, хотиралаш, фикр юритиш, сўзлаш ва ҳ.к. психик жараёнлар киради. Интеллектнинг ривожланиши: туғма истеъдод, мия имкониятлари, жўшқин фаолият, ҳаётий тажриба каби ижтимоий омилларга боғлиқ. Интеллект савияси, даражаси: инсон фаолиятининг натижаларига, шунингдек, психологик тестларга қараб ҳам белгиланади.

ЎзР ФА академиги, Саидахорп Ғуломовнинг илмий, ноёб маслаҳатлари ва тавсияларидан намуналар келтирилади. Замонавий билимларни, интеллектуал салоҳият ва илғор технологияларни эгаллаган инсонларгина ўз олдига қўйган стратегик тараққиёт мақсадларига эришиши мумкин эканини ҳамиша ўзимизга яхши тасаввур этиб келмоқдамиз. Интеллектуал бола - “Оиланинг илдизи, насли” га ва инновацион таълимга боғлиқ! Илдизсиз дарахт мева бермайди!

Интеллектуал таълимда ҳар бир фан ва мавзу доимий обод турмуш қуриш билан боғланиши зарур! Билим беришдан янги билимларни самарали ишлата билишга ўқитиш модели муҳим! Болаларимиз фақат соғлом бўлса, баҳтли бўлмаслиги мумкин. Баҳтли бўлиши учун юртбошимиз айтганларидек янгича ўйлайдиган, янгича фикрлайдиган, замонавий билимларга эга, рақобатдош, инноватор, доно, ақлли, кейинчалик донишмандлик зарур. Соғлиқни сақлашнинг таълим сифатини оширишдаги 5та вазифаси: – 7 авлод наслининг соғлиқ заҳираси (резерви)ни яхшилаш; – ақлли болани 7 авлодида дунёга келтириш; – тиббий тестлар орқали интеллектуал қобилияти қайси соҳадалигини аниқлаш; – маҳсус микроэлементларга бой овқатланиш дастурини ҳар болага тузиб бериш; – болани ўқишга илҳоми келадиган биоритм (Мазмуни: инсонларга бўлган ташқи муҳитнинг таъсири уларнинг ўз фаолиятига нисбатан мойиллигини ўзгартиради) вақтларини белгилаб бериш. Таълим эса фақат бор қобилиятини касбий ривожлантиради ва ишлата олишга ўргатади.

Раҳбарлик қобилияти. Қобилият — инсоннинг индивидуал салоҳияти, имкониятлари. Қобилият билимдан кескин фарқланади, билим предметларни ўрганиш, кузатиш ва мутолаа натижаси ҳисобланади. Қобилият шахснинг психологик ва физиологик тузилишининг хусусияти саналади. Қобилият кўникма, малакадан фарқ қиласи. Аксарият илмий манбаларда моҳирлик билан қобилият айнанлаштирилади. Қобилият инсон томонидан кўникма ва малакаларнинг эгалланиши жараёнида такомиллашиб боради.

Қобилият тури. Ҳар қандай қобилият тури шахсга тегишли мураккаб психологик тушунчадан ташкил топган бўлиб, у фаолиятнинг талабларига мутаносиб хусусиятлар тизимини ўз ичига олади. Шунинг учун қобилият деганда бирорта хусусиятнинг ўзини эмас, балки шахс фаолиятининг талабларига жавоб бера оладиган ва шу фаолиятда юқори кўрсаткичларга

эришишни таъминлашга имконият берадиган хусусиятлар синтезини тушунмоқ лозим.

Қобилиятнинг таянч хусусиятлари. Барча қобилият учун таянч хусусият — кузатувчанликда, яъни инсонни фаҳмлаш, объектдан у ёки бу аломатларни кўра билиш, ажрата олиш кўникмасидир. Қобилиятнинг етакчи хусусиятларидан бири — нарса ва ҳодисалар моҳиятини ижодий тасаввур қилишдир. У шахснинг шаклланиши ва ривожланиши натижаси бўлиши билан бирга, табиий манбага ҳам эга.

Қобилиятнинг табиий манбаалари. Бу табиий манба кўпинча зеҳн тушунчаси билан юритилади. Зеҳн муайян бир фаолиятга ёки кўпгина нарсаларга нисбатан ортиқча қизиқувчанликда, мойилликда, интилишда намоён бўлади. Зеҳн нишоналари деганда қобилият ички имкониятларининг табиий асосини тушуниш лозим. Инсон ақлини ва бор қобилиятини мунтазам ишлатиш, бу борада тинимсиз билим ва илм олиш учун интилиш орқали зеҳнни чарҳлаб (ўткирлаб) боради. У иштиёқ, мойиллик, меҳнатсеварлик, ишchanлик, талабчанлик кабиларнинг маҳсулидир. Қобилият умумий ва маҳсус туркумларга ажратилади.

Умумий қобилият деганда юксак ақлий имконият ва тараққиёт тушунилади. Қобилият табиий равишда шаклланиши ва муайян моделли тизим асосида ривожлантирилиши мумкин. Қобилиятни маълум фаолиятга мойиллик ёки интилиш орқали, табиий зеҳн нишоналарини аниклаш, мутахассис психолог раҳбарлигида узлуксиз фаолиятга жалб этишдир. Бошқарувда интеллектуал қобилият компонентлари. Давлат бошқаруви, жумладан, таълим тизимдаги янги қабул қилинган қонунлар, ҳуқуқий – меъёрий ҳужжатлар, ислоҳотлар, демократик янгиланиш, янгича бошқарув, таълим жараёнини эркинлаштириш концепцияси йўналишларидағи талабларни таълим-тарбия жараёнига татбиқ этишда, баҳолаш, креатив тафаккури, мажмуавий аналитик фикрлаши, таҳлили муҳим ўрин тутади. Раҳбарликка мойиллик, раҳбарга хос характер бўлиши ҳам талаб этилади. Раҳбар - барча кўрсаткичларига эга бўлиши мумкин, лекин унда ишнинг пировард натижасини кўра билиш қобилияти етарли бўлмаслиги мумкин. Шунинг учун раҳбар шахсий режа тузганда нимани, қандай қилиб қай шароитда, кимлар билан амалга оширилишини олдиндан белгилаб олиши муҳим.

Раҳбардан талаб қилинадиган жиҳатлар: • обрў – этиборга эга бўлиш; • педагогик жамоа ишончини қозониш; • ходимлар фаолиятини тўғри идрок этиш; • талабчанлик, меҳрибонлик; • иш натижаларини кузатиш, баҳолаш, зарур ҳолатларда танқид қила олиш.

Ижтимоий қобилиятлари: Киришувчанлик, эътиқод кучи, саботлилик, ҳамкорлик, ходимларни тушуниш ва билишлик. Қизиқишилари, муваффақиятга интилиши, мослашувчанлиги, ишончлилиги. Раҳбарнинг ижодкорлик иш услуги ва имкониятлари.

Ижодкорлик – раҳбарнинг иш кўзини билиши, пировард натижани олдиндан кўра олиши, ишнинг стратегиясини, тактикаси, технологиясини аввалдан режалаштириб, уни уddyабуронлик билан ҳал этиши, педагогик жамоа, ота – оналар, маҳалла аҳли ва ҳомийларни таълим муассасаси муаммоларига ҳамкорлик қилиш. Вазифаларни бажара олиши, режалаштира олиш қобилиятлари, уюшқоқлиги, қарор қабул қилишда ташаббус кўрсатиши, таваккалчиликка тайёрлиги, янгилик ва технологияларни бошқаришни билишлиги.

### **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:**

1. Аҳлидинов Р. Ш. Таълим муассасасини бошқариш санъати. – Т.: “Фан”, 2006. – 303 б.
2. Мусурмонов Р. Fan va zamonaviy ta’limning asosiy masalalari T.: ж. “Мактаб ва ҳаёт” 2021 й. №2
3. Khimmataliev, D., & Sultanova, D. (2023). INNOVATIVE TECHNOLOGIES AND THEIR CONTENT. Science and innovation, 2(B10), 254-259.
4. Абдурашидовна С.Д. и Ильхомжонович С.О. (2023). ИННОВАЦИИ ТАЛИМ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ. ПЕДАГОГ , 6 (6), 486-489.
5. Khimmataliev, D., Sultanova, D., & Omonova, N. (2023). DEVELOPMENT OF STUDENTS'CREATIVE COMPETENCIES BASED ON INDIVIDUAL APPROACH IN EDUCATIONAL CLUSTER CONDITIONS. Science and innovation, 2(B9), 35-38.